Мустақиллик, Тинчлик, Ҳамкорлик

Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг газетаси

23 АПРЕЛЬ, ЖУМА

№ 78 (583). 1993 йил.

Сотувда эркин нархда.

ЕВРОПАДА ХАВФСИЗЛИК ВА ҲАМКОРЛИККА БАҒИШЛАНГАН КЕНГАШ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЕВРОПА МАМЛАКАТЛАРИ БИЛАН ҲАР ТОМОНЛАМА АЛОҚАЛАРИНИ КЕНГАЙТИРИШГА ҲАМДА МАРКАЗИЙ ОСИЁДАГИ СИЁСИЙ МУАММОЛАРНИ ТИНЧ ЙЎЛ БИЛАН ҲАЛ ЭТИШГА ҲИССА ҚЎШАДИ



СУРАТЛАРДА: қабул пайти.

Р. НУРИДДИНОВ олган сурат (ЎзА).

Европада Хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгаш (ЕХҲК)нинг расмий делегацияси 20 апрель куни Ўзбекистонга келди. Делегацияга мазкур кенгашнинг раиси, Швеция Қироллиги ташқи ишлар вазири баронесса Маргарета аф Углас хоним бошчилик қилмоқда.

21 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Маргарета аф Углас хоним бошчилигидаги шу обрўли халқаро ташкилот делегациясини қабул қилди.

Ислом Каримов меҳмонларга Ўзбекистондаги вазият, иқтисодий, сиёсий ислоҳот ҳамда республика раҳбариятининг минтақада тинчлик ва осойишталикни таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва бурчларини кафолатлаш борасида амалга ошираётган ишлари ҳақида сўзлаб берди. Европада Хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгаш Ўзбекистоннинг Европа мамлакатлари билан ҳар томонлама алоқаларини кенгайтиришга ва Марказий Осиёдаги сиёсий муаммоларни тинч йўл билан ҳал этишга ҳисса қўшади, деб умид билдирди.

Маргарета аф Углас хоним Ўзбекистон билан яқиндан танишиш имконияти яратилгани учун миннатдорлик изҳор этди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири С. Сафоев ва бошқа расмий кишилар иштирок этдилар.

Шу куни делегация аъзоларини Ўзбекистон Олий Кенгаши Раисининг ўринбосари Б. Бугров қабул қилди. Олий Кенгашнинг инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитаси, Конституциявий назорат қўмитаси, инсон ҳуқуқлари бўйича республика миллий қўмитаси вакиллари иштирокида миллатлараро муносабатларни такомиллаштириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва бурчларини кафолатлаш хусусида суҳбат бўлди.

Меҳмонлар шунингдек, ташқи ишлар вазири С. Сафоев билан учрашдилар. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси ҳузуридаги диний ишлар қўмитасида турли динлар вакиллари билан мулоқотда бўлдилар. Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида жамоат ташкилотлари, партиялар, ижодий уюшмалар, миллий маданий марказлар вакиллари, олимлар ва ишбилармонлар билан ўтказилган суҳбатда ҳам иштирок этдилар.

Республика Вазирлар маҳкамасида

Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар маҳкамаси келгуси йилда Урта асрларнинг буюк олими Муҳаммад Тарағай Улуғбекнинг 600 йиллик юбилейини ўтказиш ҳақида қарор қабул қилди.

Амир Темурнинг набираси Муҳаммад Тарағай дунёда Мирзо Улуғбек номи билан машҳур бўлиб астроном ва математик сифатида шуҳрат қозонди. Унинг астрономия назарий асослари баён этилган ва юлдузлар жадвалини ўз ичига олган «Зижи Кўрагоний» асари асрлар давомида энг аниқ жадвал бўлиб келди ва шу кунгача ҳам тадқиқотчилар уни зўр қизиқиш билан ўрганмоқдалар. Самарқанд ҳокими аллома Улуғбек ўз теварагига замонасининг атоқли олимларини, истеъдодли ёшларни тўплаб, мамлакатда илм-фанни ривожлантириш, иқтисодиёт ва маданиятни тараққий эттириш учун қулай шароит яратиб берди.

Вазирлар маҳкамаси қабул этган қарорда юбилей тадбирларини тайёрловчи республика ташкилот комитетининг таркиби тасдиқланди. Бу комитетга ўн кун муддатда Мирзо Улуғбек юбилейини тайёрлаш ва ўтказиш тадбирлари режасини ишлаб чиқиб, тасдиқлаш топширилди.

Буюк алломанинг 600 йиллигига бағишланган якунловчи тантаналарни Самарқандда 1994 йилнинг сентябрь-октябрида ўтказиш, унга чет эллардан меҳмонлар таклиф этиш кўзда тутилмоқда. Келгуси йилнинг сентябрида Тошкентда Мирзо Улуғбекка бағишланган халқаро илмий конференция уюштириш белгиланди, унга ҳам хорижий олимлар таклиф этилади.

Ташкилот комитетига Улуғбекнинг 600 йиллигини ўтказишни ЮНЕСКО режасига киритиш тўғрисидаги масалани шу йилнинг охиригача белгиланган тартибда ҳал этиш, 1994 йилда сана билан боғлиқ бўлган юбилей медали, почта маркаси, эсдаликлар ва матбаа маҳсулотлари чиқарилишини таъминлаш топширилди. Математика, астрономия, физика соҳаларидаги салмоқли илмий натижалар учун Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг халқаро мукофотини таъсис этиш кўзда тутилди.

Қарорда Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлигига 1994 йилнинг биринчи ярмида Самарқанд шаҳридаги Улуғбек расадхонасини тиклаш-тузатиш ишларини ҳамда Самарқанд, Бухоро ва Ғиждувон шаҳарларидаги Улуғбек мадрасаларини таъмирлаш-тиклаш ишларини тугаллаш, шунингдек архитекторлар, рассомлар уюшмалари ва Тошкент шаҳри ҳокимлиги билан биргаликда келгуси йилнинг иккинчи чорагида Ўзбекистон пойтахтида Мирзо Улуғбек ҳайкалини ўрнатиш топширилди.

Улуғбек жамғармаси билан Тошкент давлат техник университетининг улар ҳузурида физика, математика ва техник ихтисосдаги истеъдодли болалар лицейини ташкил қилиш ҳақидаги таклифи қабул этилди. Улуғбек жамғармасига пулбуюм лотереясини ўтказишга ва юбилей нашрлари чиқарилишини уюштиришга ижозат берилди, улардан тушган фойда истеъдодли болалар миллий лицейининг моддий-техникавий базасини мустаҳкамлашга ишлатилади, шунингдек юбилей тадбирларини ўтказишга сарфланади.

(Давоми 4-бетда).

Сайфулла САЙДАЛИЕВ,
Тошкент вилояти ҳокими, Ўзбекистон халқ депутати

ДЎСТЛИКДАДИР КУЧ - ҚУДРАТИМИЗ

Шу йил 15-16 апрель кунлари Тошкент вилояти делегацияси Тожикистон Республикасининг Ленинобод вилоятида бўлиб қайтди. Бу ерда икки вилоят учун муҳим ҳужжат — 1993-1997 йилларда иқтисодий, илмий-техникавий ва ижтимоий соҳалар бўйича ҳамкорликни ривожлантириш юзасидан шартномалар имзоланди.

Ўзбек халқи дўстлик, қардошлик ва ўзаро ҳамкорлик анъаналарига ҳамиша содиқ қолаётганлиги маълум. Республикамиз Президенти бу масалага доимо катта эътибор бериб келаётир. Ўрта Осиё ва Қозоғистон Республикалари раҳбарларининг Тошкентда бўлиб ўтган учрашувида Ислом Каримов шундай деган эди: «Ҳеч ким бизнинг истиқлолимизга дахл қилолмаслиги учун ҳар биримиз ўз йўлимиздан ўзаро тинчтотув ва ҳамкорликда жипслашиб ҳаракат қилишимиз зарур».

Ана шу учрашувда Тожикистон Республикаси Олий Кенгашининг раиси айтган гаплар ҳам ёдимизда. Ўшанда Имомали Раҳмонов «Гарчи мустақил бўлсак-да, ўзимиз ҳал қилолмайдиган кўпгина муаммоларга дуч келяпмиз... Бу учрашувнинг Тошкентда ўтказилишининг ўзига хос рамзий маъноси бор. У азалдан тинчлик ва дўстлик шаҳри бўлиб келган. Бошимизга кулфат тушган кезларда ўзбек халқининг биродарлик ёрдами эса беқиёс бўлди. Бу халқ осойишталигини тиклашимиз, барбод этилган иқтисодиётни оёққа қўйишимиз керак» деган эди.

Зотан, икки томонлама дўстлик ва биродарлик алоқаларини мустаҳкамлаш билан бирга халқларнинг тинч ва фаровон ҳаётини таъминлаш ҳаммамизнинг энг асосий ишимиз эканлиги маълум. Бунинг учун энг аввало иқтисодиётни жадал ривожлантириб, узилиб қолган алоқа ришталарини қайта улаш, халқларимиз бошидан кечираётган тақчиллик ва тангликка мумкин қадар тезроқ барҳам бериш керак.

Шу боис ҳар икки вилоят раҳбарияти бу дўстликни янада мустаҳкамлаш, ўзаро ҳамкорликни кучайтиришни расмий шартномалар асосида барқарор этишдек хайрли ишга қўл урдилар. Ўзаро келишувга мувофиқ тегишли ҳужжатларни тайёрлаш бўйича ишчи гуруҳлари тузилди...

Ленинободликлар Тошкент вилояти вакилларини алоҳида мамнуният ва очиқ чеҳра билан кутиб олдилар. Тўпланганлар чеҳрасида табассум, одамларнинг руҳиятидан бу ташрифимизга бўлган қизиқиш ниҳоятда катта эканлигини сезиб олиш қийин эмас эди. Қаерда бўлмайлик, бизни қалбларига босгудек меҳр-муҳаббат билан қаршилашди. Вилоятимиз вакиллари шаҳар ва қишлоқларда бўлишар экан, мезбонлар уларни самимият билан кутиб, олишар, чин дилдан суҳбатлашар, иш тажрибалари ҳақида қизиқиб ўртоқлашишарди.

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН Ватаним манам

«ХАЛҚ СЎЗИ» МУХБИРЛАРИ ВА ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ ХАБАРЛАРИДАН

ФАОЛЛАР ЙИҒИЛИШИ

Самарқанд вилоят фаолларининг йиғилиши бўлди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Жиззах ва Сурхондарё вилоят кенгашлари сессияларида сўзлаган нутқларида баён этилган фикрлар асосида вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш масалалари муҳокама этилди. Вилоят ҳокими П. Абдураҳмонов шу ҳақда маъруза қилди.

Маърузачи ва музокарада сўзга чиққанлар республикамиз раҳбарияти юритаётган ички ва ташқи сиёсат, бозор иқтисоднётига ўтиш шароитида аҳолининг эҳтиёжманд табақаларини пухта ҳимоялаш йўли меҳнаткашлар томонидан яқдиллик билан қўллаб-қувватланаётганини таъкидладилар, юрт осойишталигини сақлаш, ижтимоий адолатни қарор топтириш, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш масалаларига эътиборни қаратдилар.

ҚАРИЯЛАРГА ДАМ ОЛИШ УЙИ

● ТОШЛОҚ. Вилоят ижтимоий таъминот бошқармаси ва район ҳокимлиги ташаббуси билан ёлғиз қариялар учун дам олиш уйи очилди.

РАЙОН ижтимоий таъминот бўлимининг эски биноси таъмирланиб бир йўла 25 нафар қариянинг овқатланиб, ҳордиқ чиқаришига шароит яратилди. Қариялар уйини вилоят ишлаб чиқариш корхоналари хайрия маблағи билан таъминлаб туришмоқчи.

ҲОЗИРЧА — ТАЖРИБА

● САМАРҚАНД. Кўп тармоқли вилоят болалар шифохонаси қошидаги хўжалик ҳисобида ишлаётган корхона хизматидан ота—оналар мамнун.

КИЧКИНТОЙЛАР муолажадан сўнг махсус тарбиячилар назоратида бўлишади. Турли қўғирчоқу ўйинчоқлар билан овуниб, вақтларини чоғ ўтказишади. Мутахассис тарбиячилар уларга расм чизиш, ўйинчоқ қисмлардан турли шакллар ясашни ҳам машқ қилдиришаяпти.

АЛЬБОМ УТМИШДАН СУЗЛАЙДИ

● ТОШКЕНТ. Ўзбек ва япон олимлари ҳамкорликда «Жанубий Ўзбекистоннинг ўтмиши» монографик альбомини яратишди.

ҲАМЗА номидаги санъатшунослик илмий тадқиқот институти билан Сока шаҳри университети мутахассислари буюк ипак йўли бўйлаб экспедицияга чиқишган эди. Сурхондарёдаги қадимий Далварзинтепа қалъасида олиб борилган қазишмалар чоғида бир қанча қўҳна маданият ёдгорликлари топилди. Альбомда ана шулар ҳақидаги маълумотлар жамланган.

ЎЗИНГНИ СИНАБ КЎР

● «АНДИЖОН» нашриёти «Ўзбек тили ва адабиётидан тест машқлари» қўлланмасини босмадан чиқарди.

ҚЎЛЛАНМА тест машқлари ва уларнинг жавоблари билан бойитилган. Бу машқлар илм толибларида мантиқий фикрлаш, мушоҳада юритиш, тўғри жавобни танлай олиш кўникмаларини мустаҳкамлайди.

ҲАМ СОТАДИ, ҲАМ ОЛАДИ

● ФАРҒОНА. Ўзбекистон — Бельгия қўшма корхонасининг «Вита—Фарғона» бўлими иш бошлади.

ФИРМА хорижий мамлакатларга маҳсулот сотиш ва у ёқдан харид қилиш билан шуғулланади. Тижорат ишлари бўйича директор А. Ҳамдамовнинг таъкидлашича, ҳозир фирма фаолиятини кенгайтириш мўлжалланаётган экан. Агар бу орзу рўёбга чиқса, хўжаликлардан экин майдонларини ижарага олиб маҳсулот етиштирилади. Ҳосилни қайта ишловчи цехлар қурилади. Ўшанда фирма четга хом ашё эмас, тайёр маҳсулот чиқариш имконига эга бўлади.

ХОМ АШЁ ЭМАС, ТАЙЁР МАҲСУЛОТ

● ЭЛЛИККАЛЪА. «Москва» ва Оржоникидзе номли жамоа хўжаликларида сабзавот-мевани консервалайдиган корхона қурилаяпти.

БЕЖИРИМ тикланган бинода ускуналар ўрнатилаяпти. Бу йилги меваларни қайта ишлаш мўлжалланаётгани сабабли ҳозирдан банкаларни ғамлашга киришилди. Мутахассисларнинг айтишича, корхона йилига уч миллион банкадан зиёд маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга бўларкан.

ЮБИЛЕЙГА ТУҲФА

● ХЕВА қомуси йил охиригача нашрга тайёр бўлади.

ШАҲАР тарихи, ёдгорликлари, машҳур кишилари, бугунги ҳаёти ҳақида икки мингга яқин мақола тўпланди. Ҳозир муҳарририят ходимлари қўлларидаги материалларни пешма-пеш таҳрир қилиб, тартиблаштираяпти. Қомус Хеванинг 2500 йиллиги нишонланадиган кунга тайёр бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

К. РАҲИМОВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Кўп йил самарали ишлагани, мумтоз қўшиқчилик санъатини тарғиб қилгани ва жамоат ҳаётида фаол қатнашгани учун Алишер Навоий номидаги Наманган вилоят мусиқали драма ва комедия театрининг хонандаси Камолиддин Раҳимов Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлансин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1993 йил 21 апрель.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ АДАБИЁТ, САНЪАТ ВА МЕЪМОРЧИЛИК СОҲАСИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУКОФОТЛАРИ ҚЎМИТАСИДАН

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси ҳузуридаги адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасида Ўзбекистон Республикаси давлат мукофотлари қўмитаси 1994 йилги Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат мукофотига асарларни тақдим этиш муддати 1993 йил 30 апреллдан шу йилнинг 1 сентябригача белгиланганини маълум қилади.

Асарларни тақдим этиш ва уларга ҳужжат тайёрлашда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасида Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Республикаси давлат мукофотлари тўғрисидаги 1991 йил 6 февраль қарори билан тасдиқланган низомга амал қилиш керак.

Асарларни тақдим этиш ва уларга ҳужжат тайёрлаш билан боғлиқ барча масалалар юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат этиш мумкин:

700003, Тошкент шаҳри. Туроб Тўла кўчаси, 1 уй. Адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасида Ўзбекистон Республикаси давлат мукофотлари қўмитаси (2-қават, 217-хона).

Маълумот учун телефонлар: 45-72-46, 45-75-25.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ДАВЛАТ НАЗОРАТИ КОМИТЕТИДА

ТИББИЁТНИНГ ЎЗИ МУОЛАЖАГА МУҲТОЖ

Давлат назорати комитети иш режасига мувофиқ Вазирлар маҳкамасининг ижтимоий масалалар, фан ва маданият бўлими билан биргаликда шу йил март ойида Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли «Фармация» ва «Ўзмедтехника» ишлаб чиқариш бирлашмаларида республика Президенти ва ҳукуматининг аҳолини ижтимоий ҳимоялашга қаратилган фармон ва қарорлари қандай бажарилаётганлиги ўрганиб чиқилди.

Комитет ҳайъатининг навбатдаги мажлисида ана шу масала батафсил муҳокама қилинди.

Кейинги икки йил мобайнида аҳолини ва даволаш муассасаларини дори-дармонлар билан таъминлашдаги аҳвол ниҳоятда ёмонлашди. Ўтган йили хориждан келтирилганларини ҳам ҳисоблаганда дори-дармонга бўлган эҳтиёж атиги 45 фоизга қондирилди, холос. Бунга асосий сабаб «Фармация» бирлашмаси раҳбарларининг МДҲ республикалари ва чет эл мамлакатлари билан дори-дармон сотиб олиш борасида шартнома тузишда фаоллик кўрсатишмаганидир. Шунингдек, «Ўзҳимфарм» ишлаб чиқариш бирлашмаси раҳ-

(Давоми 3-бетда).

Лойиҳа

Ўзбекистон Республикасининг Қонуни

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ТЎҒРИСИДА

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-модда. Вазирлар Маҳкамаси — Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумати

Вазирлар Маҳкамаси — Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумати — иқтисодиёт, ижтимоий ва маънавий соҳаларнинг самарали фаолият кўрсатишига, қонунлар ижро этилишига, Олий Мажлиснинг бошқа қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, қарорлари ва фармойишлари бажарилишига раҳбарликни таъминловчи Ўзбекистон Республикасининг ижро этувчи ҳокимият органи ҳисобланади.

Вазирлар Маҳкамаси давлат бошқаруви органлари тизимига ва ўзи ташкил этадиган хўжалик бошқаруви органларига бошчилик қилади, уларнинг ҳамжиҳатлик билан фаолият кўрсатишини таъминлайди.

Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси тасарруфига оид бўлган, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва мазкур Қонунга мувофиқ ўзининг ваколатига кирувчи давлат ва хўжалик бошқарувининг барча масалаларини ҳал этишга ҳақлидир.

Вазирлар Маҳкамаси қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга.

2-модда. Вазирлар Маҳкамаси фаолиятининг асосий принциплари

Вазирлар Маҳкамаси ўз фаолиятида коллегиаллик, демократия ва қонунийлик, Ўзбекистон Республикасида яшовчи барча миллатлар ва элатларнинг манфаатларини ҳисобга олиш принципларига асосланади.

3-модда. Вазирлар Маҳкамасининг жамоат бирлашмалари билан ўзаро муносабатлари

Вазирлар Маҳкамаси ўз ваколатига кирувчи масалалар бўйича жамоат бирлашмалари билан ўзаро ҳамкорлик қилади ва амалдаги қонунчиликка мувофиқ уларга зарур ёрдам кўрсатади.

II ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ТАРКИБИ ВА УНИ ТУЗИШ

4-модда. Вазирлар Маҳкамаси таркиби ва уни тузиш тартиби

Вазирлар Маҳкамаси таркибига Бош вазир, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари ва ўринбосарлари, Ўзбекистон Республикаси вазирлари, давлат қўмиталарининг раислари, давлат ва хўжалик бошқаруви бошқа органларининг раҳбарлари кирадилар.

Бош вазир ва унинг ўринбосарлари, Вазирлар Маҳкамасининг аъзолари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланадилар ва лавозимдан озод этиладилар, кейинчалик бу масала Олий Мажлис тасдиғига киритилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Раиси лавозими бўйича Вазирлар Маҳкамаси таркибига киради.

Вазирлар Маҳкамасининг аъзолари Олий Мажлис йиғилишларида, унинг қўмиталари ва комиссиялари йиғилишларида қатнашиш ва ахборот бериш ҳуқуқига эгадирлар.

Олий Мажлиснинг депутатлари Вазирлар Маҳкамаси ёки унинг алоҳида аъзолари фаолиятига таллуқли масалани қўйган тақдирда, Бош вазир шу масалалар юзасидан зарур тушунтириш, изоҳларни олиш ва бериш ҳуқуқига эгадир.

Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қўмиталари ва комиссияларининг Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати фаолияти масалаларига доир тавсиялари ва таклифларини кўриб чиқади ва улар юзасидан чора—тадбирлар кўради. Тавсиялар ва таклифларни кўриб чиқиш натижалари ҳақида ҳамда кўрилган чора—тадбирлар тўғрисида Вазирлар Маҳкамаси Олий Мажлиснинг тегишли қўмиталари ва комиссияларига улар билан келишилган муддатларда ахборот беради.

8-модда. Олий Мажлис депутатлари, қўмиталари ва комиссияларининг сўровларига жавоблар

Вазирлар Маҳкамасига ёки Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати аъзосига Олий Мажлис йиғилишида депутатлар, депутатлар гуруҳи, Олий Мажлис қўмиталари ва комиссиялари Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ёки унга бўйсунувчи давлат ёки хўжалик бошқаруви органлари фаолиятига доир сўров билан мурожаат қилганларида, улар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси мажлисларида уч кундан кеч бўлмаган муддатда оғзаки ёки ёзма жавоб беришга мажбурдирлар.

9-модда. Вазирлар Маҳкамасининг Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши билан муносабатлари

Вазирлар Маҳкамаси:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши билан ўзаро ҳамкорлик қилади, унинг Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Олий Мажлиснинг бошқа қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ҳамда хўжалик ва ижтимоий—маданий қурилиш масалалари бўйича бошқа актларнинг қандай бажарилаётганлиги ҳақидаги ахборотларини эшитади;

Вазирлар Маҳкамасининг ваколатига кирувчи масалалар бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг таклифларини кўриб чиқади;

тармоқлараро ва минтақавий энг муҳим комплекс дастурларни амалга оширишда вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ҳамда бошқа давлат ва хўжалик бошқаруви органлари томонидан Қорақалпоғистон Республикаси ҳуқуқларига риоя этилишини таъминлайди, бунда келиб чиқадиган низоли масалаларни ҳал этади;

Ўз ваколати доирасида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Ўзбекистон Республикаси қонунларига, Ўзбекитон Республикаси Президенти фармонларига ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига зид бўлган қарорлари ва фармойишларининг ижро этилишини тўхтатиб қўйиш ҳуқуқига эгадир.

Вазирлар Маҳкамаси томонидан Қорақалпоғистон Республикасини иқтисодий, ижтимоий — маданий ва миллий ривожлантиришга, унинг миллий бойликларидан оқилона фойдаланишга таллуқли масалалар ҳал этилаётганда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг фикри ҳисобга олинади.

Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Доимий ваколатхонаси бўлади.

10-модда. Вазирлар Маҳкамасининг маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари билан муносабатлари

Вазирлар Маҳкамаси ўз ваколати доирасида:

ҳудудларни иқтисодий ва ижтимоий — маданий ривожлантиришни таъминлаш билан боғлиқ бўлган масалалар бўйича маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг фаолиятини мувофиқлаштиришни амалга оширади;

вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг Вазирлар Маҳкамаси томонидан ҳал этилишини талаб қиладиган масалалар бўйича таклифларини кўриб чиқади, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, фармойишлари ва топшириқларининг бажарилишини назорат қилади, уларни бажариш юзасидан маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларини таклиф этиш ва уларнинг ахборотини тинглашга ҳақлидир;

вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ҳамда бошқа давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари билан ўзаро ҳамкорлигини таъминлайди, бунда келиб чиқадиган низоли масалаларни ҳал этади;

ҳудудларни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг асосий кўрсаткичларини тасдиқлайди, жойлардаги ижро этувчи ҳокимият аппаратининг сони ва намунавий тузилмасини белгилайди;

вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига зид бўлган қарорлари ва фармойишларини тўхтатиб қўйиш ва бекор қилишга ҳақлидир.

IV. ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ АСОСИЙ ВАКОЛАТЛАРИ

11-модда. Вазирлар Маҳкасининг иқтисодий, ижтимоий—маданий ривожлантириш соҳасидаги асосий ваколатлари

Вазирлар Маҳкамаси ўз ваколатлари доирасида:

иқтисодий, ижтимоий-маданий жараёнларни бошқаради; мулкчиликнинг барча шаклларини уйғунлаштириш ва уларнинг тенглиги, иқтисодиётни монополиялаштиришдан чиқариш, бозор иқтисодиётининг ҳуқуқий механизмини рўёбга чиқариш асосида эркин тадбиркорлик учун шарт-шароитлар яратади;

хўжалик юритишнинг янги шакллари— концернлар, консорциумлар, тармоқлараро бирлашмалар, турли уюшмалар ва бошқа ана шундай ташкилотларни барпо этишга ва мустаҳкамлашга кўмаклашади, халқ хўжалиги ва аҳоли талабларини қондириш зарурияти дан келиб чиққан ҳолда улар фаолиятини йўналтиради ва мувофиқлаштиради;

Ўзбекистон Республикасида пул ва кредит тизимини мустаҳкамлаш чора—тадбирларини амалга оширишга кўмаклашади, ягона нарх сиёсатини ўтказиш, меҳнатга ҳақ тўлаш миқдорининг белгиланган кафолатларини ва ижтимоий таъминот даражасини таъминлаш чора—тадбирларини ишлаб чиқади ва амалга оширади;

республика бюджетини, шунингдек, Ўзбекистон Республикасини иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш истиқболларини ва энг муҳим дастурларини ишлаб чиқишни ва уларнинг ижросини ташкил этади;

бошқарув тузилмасини такомиллаштириш, Ўзбекистон Республикаси вазирликлари давлат қўмиталари, идоралари, давлат ва хўжалик бошқарувининг бошқа органларини тузиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш тўғрисидаги таклифларни ишлаб чиқади;

фан ва техникани ривожлантириш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш чора—тадбирларини амалга оширади;

фуқароларни ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоя қилиш, уларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқини таъминлаш чора — тадбирларини кўради, ижтимоий таъминот тизимини такомиллаштиради;

соғлиқни сақлаш, халқ таълимини ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг асосий йўналишларини белгилайди, маданиятни ривожлантиришга кўмаклашади;

Ўзбекистон Республикасининг давлат хавфсизлигини ва мудофаа қудратини оширишни, давлат чегараларини қўриқлашни таъминлаш, давлат манфаатларини ҳимоя қилиш, жамоат тартибини сақлаш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинлигини таъминлаш ва ҳимоя қилиш чора—тадбирларини амалга оширишга кўмаклашади;

давлат бошқарув органларининг табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини биргаликда ўтказиш ҳамда республика ва халқаро аҳамиятга эга бўлган йирик экологик дастурларни амалга ошириш борасидаги ишларини мувофиқлаштиради, катта авариялар ва фалокатларнинг, шунингдек, табиий офатларнинг оқибатларини тугатиш чора—тадбирларини кўради;

Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлардаги вакиллигини таъминлайди, ҳукуматлараро шартнома ва битимлар тузади, уларни бажариш чора—тадбирларини кўради;

ташқи савдо ҳамда ташқи иқтисодий фаолият, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорликнинг бошқа турлари соҳасида раҳбарликни амалга оширади.

12-модда. Давлат ва хўжалик бошқаруви органларига раҳбарликнинг умумий масалалари

Вазирлар Маҳкамаси вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ҳамда давлат ва хўжалик бошқарувининг бошқа органлари ишини мувофиқлаштиради ва йўналтиради.

Вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ҳамда давлат ва хўжалик бошқарувининг бошқа органлари ҳақидаги низомлар Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Вазирлар Маҳкамаси вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ҳамда давлат бюджетида бўлган давлат бошқаруви бошқа органларининг марказий аппарати ходимларининг сонини ва уларга сарфланадиган маблағлар миқдорини белгилайди.

Вазирлар Маҳкамаси вазирларнинг ўринбосарларини, давлат қўмиталари раисларнинг ўринбосарларини, бош бошқармалар ҳамда давлат бошқаруви бошқа органлари раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарларини лавозимга тайинлайди ва лавозимдан озод этади.

Вазирлар Маҳкамаси хўжалик бошқаруви органлари раҳбарларини ва вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ҳайъатлари аъзоларини, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан ташкил этиладиган хўжалик бошқаруви органлари бошқарувларининг аъзоларини тасдиқлайди.

Вазирлар Маҳкамаси зарурият бўлганда давлат бошқарувининг ўз ваколатига кирувчи айрим масалалари ҳал этилишини, агар бу масалаларнинг ҳал этилиши қонунчилик билан Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг мутлақ ваколатига киритилмаган бўлса, вазирликлар, давлат қўмиталари ва давлат бошқарувининг ўзига бўйсунувчи бошқа органларига бериши мумкин.

13-модда. Вазирлар Маҳкамасининг вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ҳамда давлат ва хўжалик бошқарувининг бошқа органлари фаолияти устидан назорати

Вазирлар Маҳкамаси вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ҳамда давлат ва хўжалик бошқаруви бошқа органларининг фаолияти устидан назоратни амалга оширади.

Вазирлар Маҳкамаси вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ҳамда давлат ва хўжалик бошқарувининг бошқа органлари ишларини ва уларнинг фаолиятини ҳисобга олиш ва баҳолаш ҳамда давлат ва хўжалик бошқарувининг бошқа органлари раҳбарларини ва уларнинг ўринбосарларини ишдан озод этиш ҳақида Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматига тавсиялар киритиш ҳуқуқига эга.

V. ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА УНИНГ ТАРТИБИ

14-модда. Фақат Вазирлар Маҳкамаси мажлисларидагина қарор қабул қилинадиган масалалар

Вазирлар Маҳкамаси мажлисларида давлат бошқаруви ,хўжалик ва ижтимоий—маданий қурилишнинг энг муҳим масалалари ҳал этилади.

Фақат Вазирлар Маҳкамаси мажлисларида қуйидагилар кўриб чиқилади;

Ўзбекистон Республикаси бюджетини тайёрлаш ва ижро этиш, шунингдек, Ўзбекитон Республикаси Ҳукумати ихтиёридаги бюджетдан ташқари давлат жамғармаларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш масалалари;

бошқарув тузилмасини такомиллаштириш масалалари, Ўзбекистон Республикасини ва унинг айрим минтақаларини иқтисодий ва ижтимоий-маданий ривожлантириш дастурлари лойиҳалари;

давлатнинг қимматбаҳо қоғозларини чиқариш ҳажми ҳамда Ўзбекистон Республикаси давлат ички ва ташқи қарзи қўламлари тўғрисидаги таклифлар;

солиқ ва давлат божларининг ставкаларини белгилаш ва ўзгартириш тўғрисидаги таклифлар;

давлат мулки объектларини хусусийлаштириш дастурларининг лойиҳалари ва хусусийлаштиришдан олинган маблағлардан фойдаланишнинг асосий йўналишлари тўғрисидаги таклифлар;

белгиланган давлат нархлари қўлланиладиган маҳсулотлар, товарлар ва хизматлар рўйхати;

қонунчилик ташаббуси тартибида Олий Мажлисга киритиладиган Ўзбекистон Республикаси қонунлари лойиҳалари;

давлатлараро шартномалар ва битимларни имзолаш тўғрисида таклифлар.

15-модда. Вазирлар Маҳкамасининг мажлисларини ўтказиш тартиби

Вазирлар Маҳкамасининг мажлислари йилнинг ҳар чорагида камида бир марта ўтказилади.

Вазирлар Маҳкамасининг мажлисларини Вазирлар Маҳкамасининг Раиси ёки унинг топшириғига биноан Бош вазир ўтказади.

Вазирлар Маҳкамасининг мажлисларини тайёрлаш ва ўтказиш тартиби Вазирлар Маҳкамасининг Иш тартиби билан белгиланади.

16-модда. Бош вазир

Бош вазир Вазирлар Маҳкамасининг ишини ташкил этади.

Бош вазир:

Бош Вазирнинг ўринбосарлари ўртасида вазифаларни тақсимлайди, кейинчалик бу масала Вазирлар Маҳкамасининг Раиси томонидан тасдиқланади;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг топшириғига биноан ҳалқаро муносабатларда Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати номидан иш кўради ҳамда ҳукуматлараро шартномалар ва битимларни имзолайди;

Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида кўриб чиқиш талаб этилмайдиган давлат ва хўжалик бошқаруви масалалари бўйича қарорлар қабул қилади;

Вазирлар Маҳкамаси Раисининг топшириғи бўйича бошқа масалаларни ҳам ҳал этади.

Бош вазир бўлмаган ҳолларда унинг вазифаларини биринчи ўринбосар бажаради.

17-модда. Бош вазирнинг ўринбосарлари

Бош вазирнинг ўринбосарлари вазифалар тақсимотига мувофиқ ўзлари раҳбарлик қиладиган тармоқлардаги ишларнинг аҳволи учун жавоб берадилар, улар тегишли вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ҳамда давлат ва хўжалик бошқарувининг бошқа органлари фаолиятини мувофиқлаштиришни, уларнинг ишини назорат қилишни амалга оширадилар ва уларга топшириқ берадилар, Вазирлар Маҳкамасига киритилган таклифларни ҳамда қарор ва фармойишлар лойиҳаларини дастлабки тарзда кўриб чиқадилар.

18-модда. Вазирлар Маҳкамасининг аъзолари

Вазирлар Маҳкамасининг аъзолари:

ўзларига топширилган фаолият соҳаси учун жавоб берадилар;

Вазирлар Маҳкамаси мажлисларида масалаларни кўриб чиқишда иштирок этадилар;

Вазирлар Маҳкамасининг ваколатига кирувчи масалаларни кўриб чиқиш ҳақида таклифлар киритишлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорларини ишлаб чиқишда ташаббус кўрсатишлари мумкин;

корхоналарда, муассасаларда ва ташкилотларда бошқа пул тўланадиган лавозимни эгаллаш, шунингдек, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига эга эмаслар.

19-модда. Вазирар Маҳкамасининг Раёсати

Вазирлар Маҳкамасининг доимий органи сифатида Вазирлар Маҳкамасининг Раиси, Бош вазир ва унинг ўринбосарларидан иборат таркибдаги Вазирлар Маҳкамасининг Раёсати фаолият кўрсатади. Вазирлар Маҳкамаси Раисининг қарорига биноан Вазирлар Маҳкамаси Раёсатининг таркибига Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг бошқа аъзолари ҳам киритилиши мумкин.

Вазирлар Маҳкамаси Раёсатининг ҳужжатлари қарорлар, фармойишлар ва баён қарорлар шаклида чиқарилади.

20-модда. Вазирлар Маҳкамасининг доимий ва вақтинчалик комиссиялари ҳамда бошқа ишчи органлари

Вазирлар Маҳкамаси доимий комиссияларни тузади ва уларнинг вазифалари, ваколатлари ҳамда фаолият тартибини белгилайди.

Давлат ва хўжалик бошқарувининг алоҳида масалалари бўйича таклифлар тайёрлаш, Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳаларини ишлаб чиқиш, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг алоҳида топшириқларини бажариш учун Вазирлар Маҳкамасининг вақтинчалик комиссиялари ва бошқа ишчи органлари тузилиши мумкин.

21-модда. Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари

Вазирлар Маҳкамаси амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида барча органлар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган қарорлар ва фармойишлар чиқаради.

Вазирлар Маҳкамасининг норматив тусдаги ёки жуда муҳим аҳамиятга эга бўлган қарорлари Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари шаклида чиқарилади.

Шошилинч ва бошқа жорий масалалар бўйича ҳужжатлар Вазирлар Маҳкамасининг фармойишлари шаклида чиқарилади.

Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари Вазирлар Маҳкамасининг Раиси ёки унинг топшириғига биноан Бош вазир томонидан имзоланади.

Вазирлар Маҳкамасининг фармойишлари Вазирлар Маҳкамасининг Раиси, Бош вазир ёки унинг биринчи ўринбосари томонидан имзоланади.

Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, агар уларда бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, имзоланган кундан бошлаб кучга киради.

Вазирлар Маҳкамаси ўзи қабул қилган қарорларнинг бажарилиши устидан бевосита ёки вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ҳамда бошқа давлат ва хўжалик бошқаруви органлари орқали назоратни амалга оширади.

Вазирлар Маҳкамасининг норматив тусдаги қарорлари Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўпламида эълон қилинади, кенг оммага дарҳол етказиш зарур бўлган тақдирда эса—оммавий ахборот воситалари орқали маълум қилинади.

22-модда. Вазирлар Маҳкамасининг аппарати

Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Раёсати мажлисларини тайёрлаш, тегишли қарорлар лойиҳаларини, таҳлилий, ахборот ва бошқа материалларни тайёрлаш, Вазирлар Маҳкамаси қарорларининг бажарилишини мунтазам равишда текшириб бориш учун Вазирлар Маҳкасининг аппарати фаолият кўрсатади. Вазирлар Маҳкамасининг аппарати ва унинг бўлимлари тўғрисидаги низом Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Вазирлар Маҳкамасининг аппарати асосий таркибий бўлинмаларининг раҳбарлари Бош вазирнинг тақдимномасига биноан Вазирлар Маҳкамасининг Раиси томонидан лавозимга тайинланадилар ва лавозимдан озод этиладилар.

Ушбу қонун лойиҳаси юзасидан ўз таклиф ва мулоҳазаларингизни Қонунчилик, қонунийлик ва ҳуқуқ — тартибот масалалари Қўмитасига, қўйидаги манзилга юборишингизни сўраймиз.

700008. Тошкент шаҳри, Кенгаш.

Ўзбекистон Республикаси Олий

ДЎСТЛИКДАДИР КУЧ—ҚУДРАТИМИЗ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бу учрашувлар чоғидаги ҳаяжонли дамларни санаб адоғига етиш қийин. Аммо Ленинободдаги йирик саноат корхоналаридан бири — «Колинко» акционерлик жамияти (гилам фабрикаси) жамоаси билан учрашувда айтилган бир гап менинг қалбимда узоқ сақланиб қолади. Улар «Илоҳим, сиз дўстларимизнинг қадами юртимизга тинчлик, осойишталик, хотиржамлик олиб келсин. Бундан буён биргаликда, ҳамжиҳатликда ога-инн бўлиб меҳнат қилайлик», деб юзларига фотиҳа тортдилар. Одамлар кўзидаги севинч, умид ёшлари, юрт оқсоқолларининг пок ният билан қилган дуолари, болалар, оналар, хуллас барчанинг ўзгача бир самимият билан ёнимизга келишларини кўрганимизда Ўзбекистондек она юртимиз жондоши, жондоши Тожикистон халқига энг оғир ва мураккаб пайтда кўмак бераётганлигидан мамнун бўлдик.

СУРАТДА: Тошкент вилояти ҳокими С. Сайдалиев отахонлар билан суҳбатлашмоқда.

Хўш, икки томонлама ҳамкорлик ҳақида имзоланган шартноманинг асосий мазмуни ва ундан кўзда тутилаётган мақсад нима ўзи? Шартномалар туфайли келгусида қандай ишлар амалга оширилади.

Иқтисодий, илмий-техникавий ва ижтимоий соҳаларни ўз ичига олган ҳамкорликни ривожлантириш тўғрисидаги шартномада жуда кўп муҳим масалалар қамраб олинган. Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда ҳамкорликни кучайтириш, дала ишлари учун зарур бўлган техника таъминотида ёрдам кўрсатиш, етиштирилаётган маҳсулотларни айрибошлаш, биргаликда ирригация ва мелиорация ишларини амалга ошириш, қишлоқ хўжалигида илғор тажрибаларни ўзаро алмашиш, савдо-сотиқни йўлга қўйиш, ҳар икки вилоят саноат корхоналари ҳамкорлигини ташкил этиш ана шулар жумласидандир.

Шартномаларга кўра бундан кейин, икки вилоят ўртасида борди-келди кучаяди, бозорларимизда эркин сотиладиган турли маҳсулотларни олиб ўтиш бемалол бўлади, зарур халқ хўжалиги товарлари, саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан эркин савдо қилиш ҳамда уларни айрибошлаш имкониятлари яратилади. Табиийки, бунинг учун ҳар икки вилоят божхона хизмати фаолияти мувофиқлаштирилади. Ўзаро манфаатли хўжалик алоқаларини осонлаштириш мақсадида тегишли ташкилотларга муайян муддат учун рухсатномалар беришга ҳам келишиб олинди.

Шартномалар тўғрисида гап кетганда ҳар икки томон учун муҳим бўлган бир долзарб вазифа ҳақида алоҳида тўхталиб ўтиш ўринлидир. Гап шундаки, Тошкент ва Ленинобод бир-бирига туташ вилоятлардир. Афсуски, ҳар икки вилоят ҳудудида рўй бераётган жиноятчилик ҳаракатлари ўзига хос муштарак муаммоларни келтириб чиқармоқда. Шунинг учун икки вилоят ички ишлар бошқармалари уюшган жиноятчиликка, гиёҳвандликка қарши курашда ҳамкорликни кучайтиради. Бу муҳим ҳолат ҳам шартномада ўз ифодасини топган.

Табиийки, икки вилоят ҳамкорлигида халқ маорифи, тиббий хизмат ва маданий алоқаларни кучайтириш алоҳида ўрин тутади. Хусусан, чегарадош районларнинг меҳнаткашларига Тошкент вилояти соғлиқни сақлаш муассасалари тиббий хизмат кўрсатади. Шифокорларнинг ўзаро тажриба алмашишлари йўлга қўйилади, турли дори-дармонлар, тиббий асбоб-ускуналар билан ёрдам кўрсатиш ҳам кўзда тутилган. Келгусида ҳар икки вилоят олий ўқув юртларида келишилган ҳолда талабаларни йўлланмалар асосида қабул қилиш, ўзбек ва тожик мактабларининг ўқувчилари учун ҳар икки тилдаги дарсликларни айрибошлаш, таълим-тарбия ишларида ўзаро ҳамкорлик қилиш амалга оширилади.

Маданият ва санъат халқларни бир-бирига яқинлаштиришда таъсирчан ва оммавий воситалардандир. Тожик ва ўзбекларнинг қадимий бой тарихидан тортиб адабиёти, урф-одатлари, расм-русумлари ва санъатигача бир-бирига шу қадар яқин ва ўхшашки, унинг илдизлари узоқ ўтмишга бориб тақалади. Устоз ва шогирд мавлоно Жомий ва Навоийнинг буюк дўстлиги, ҳар икки қардош халқ классик адабиётидаги яқинлик, санъатимиз, халқ оғзаки ижодиётидаги уйғунликни фахр ва ифтихор билан таъкидлаймиз. Бундан буён ҳар икки вилоятда маданият кунларини мунтазам ўтказиб туриш анъанага айланади. Ленинободда ўтадиган Тошкент вилояти маданияти кунларида ўзбек санъаткорлари, бадиий ҳаваскорлик дасталари, халқ оғзаки ижодиёти намоёндалари, хуллас, маданиятимизнинг барча соҳалари вакиллари хизматда бўладилар. Тошкентда ўтадиган Ленинобод вилояти маданияти кунларида эса вилоятимиз меҳнаткашлари ана шу ташриф туфайли қардош тожик халқининг бугунги маданий ҳаёти билан янада яқиндан танишадилар.

Бундан ташқари, жисмоний тарбия, спорт ва туризмнинг энг оммавий турлари бўйича ҳамкорлик қилишга ҳам алоҳида эътибор бермоқдамиз. Масалан, миллий спорт мусобақаларини биргаликда ўтказиш, турли сайллар ташкил этиш, Наврўз байрамларини бирга нишонлаш, икки вилоят ҳудудидаги маданият ёдгорликлари ва тарихий обидалар билан яқиндан танишиш учун сайёҳлар гуруҳларини айирбошлаш каби ва бошқа кўпгина тадбирлар кўзда тутилган. Келгусида икки вилоят шаҳар ва районлари ўртасида бевосита ҳамкорликни йўлга қўйиш истиқболлари мавжуд. Бундан кейин ана шу йўналишдаги саъй-ҳаракатлар давом эттирилади.

Ҳозир вазият кун сайин ўзгариб турган бир шароитда яшаяпмиз. Бозор иқтисодиётига ўтиш йўлидаги қийинчиликлар бизни ҳам четлаб ўтаётгани йўқ. Буни ҳисобга олмаслик мумкин эмас. Дарҳақиқат, бугун биргаликда ҳаракат қилишимизни даврнинг ўзи тақозо этмоқда. Қолаверса, Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг учрашувида таъкидланганидек, бу минтақадаги бой хом ашё заҳираси, халқларнинг имкониятлари аввало шу ҳудудда истиқомат қилаётган 55 миллионлик ақлининг манфаатига қаратилмоғи зарур. Ўзбекистон ва Тожикистон Республикалари, шунингдек, Тошкент ва Ленинобод вилоятлари халқлари ўртасидаги манфаатли алоқалар бу борада катта аҳамиятга эга бўлиши муқаррар. Шунинг учун ҳам икки ўртада ўрнатилган ҳамкорлик катта ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эгадир.

Умуман, икки вилоят ўртасида имзоланган шартноманинг моҳияти ҳақида гапирадиган бўлсак, у икки вилоят меҳнаткашларини бир-бирига янада яқинлаштириш, дўстлик, қон-қардошликни кучайтириш, янгича мазмун билан бойитишга хизмат қилади. Бу ўринда гап шунчаки, расмий шартнома тузиб, чекланган доирадаги маълум гуруҳларнинг ўзаро алоқаларини йўлга қўйиш ҳақида эмас, балки икки республика вилоятларининг дўстона, бегараз, тенглик асосидаги алоқаларини ривожлантириш устида кетяпти. Ана шу боисдан ҳам ҳар икки вилоят вакиллари ўзаро мулоқот, учрашувлар пайтида бу масалага алоҳида масъулият билан ёндошдилар.

Шу ўринда Пролетар районидаги жамоа хўжалиги раиси Абдуғофур ота Самадов учрашув чоғида алоҳида таъкидлаган бир гапни келтириб ўтмоқчиман. У қудратли икки республика—Ўзбекистон ва Тожикистон халқи ҳамжиҳатликда ҳаракат қилса, ҳеч қандай куч бизни енголмайди, ҳар қандай оғир вазифани, муаммони ҳам ҳал эта оламиз, деди. Дарҳақиқат, шундай. Зеро, буюк тожик алломаси ва шоири Абу Абдулло Рўдакий айтганидек:

Жаҳоннинг шодлиги
йиғилса бутун,
Дўстлар дийдоридан
бўлолмас устун!

Лойиҳа

Ўзбекистон Республикасининг Қонуни

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУДИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг муқаррар устунлигини таъминлаш Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди зиммасига юклатилади.

I БЎЛИМ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди Ўзбекистон Республикасида Конституциявий назоратнинг олий суд идораси ҳисобланади.

2. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига содиқлик, мустақил, бамаслаҳат иш юритиш, ошкоралик ва судьялар ҳуқуқларининг тенглиги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди фаолиятининг асосий қоидаларидир.

3. Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди:

Ўзбекистон Республикаси қонунларининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қабул қилган бошқа ҳужжатларнинг, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонларининг, ҳукумат ва давлат ҳокимияти маҳаллий идоралари қарорларининг, Ўзбекистон Республикасининг давлатлараро шартномалари ва бошқа мажбуриятларининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мослигини аниқлайди.

Қорақалпоғистон Республикасининг Конституцияси Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, Қорақалпоғистон Республикасининг қонунлари Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ҳамда қонунларига мувофиқлиги тўғрисида хулоса беради;

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларининг нормаларига шарҳ беради;

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари билан ўзига берилган ваколат доирасида бошқа ишларни ҳам кўриб чиқади.

4. Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди фақат Ўзбекистон Республикаси Конституциясига амал қилган ҳолда ишларни ҳал этади ва хулосалар беради.

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди ўз ишини сайлаш

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан Конституциявий суднинг раиси, Конституциявий суд раисининг ўринбосари, Конституциявий суд раисининг ўринбосари, Конституциявий суднинг котиби ва Қорақалпоғистон Республикасидан вакил бўлган судьяни қўшган ҳолда Конституциявий суднинг 8 аъзосидан иборат таркибда сайланади.

2. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг ҳар бир судьяси якка тартибда сайланади. Ўзбекистон Республикаси халқ депутатлари умумий сонининг кўпчилик овозини олган шахс сайланган ҳисобланади.

3. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг раиси, Конституциявий суд раисининг ўринбосари ва Конституциявий суднинг котибини қўшган ҳолда суд таркибидан камида 7 киши сайланган тақдирда ўз фаолиятини бошлашга ҳақлидир.

4. Судья Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди таркибидан чиқиб кетган тақдирда унинг ўрнига Олий Мажлис ўзининг навбатдаги мажлисида ушбу моддада белгиланган тартибда бошқа шахсни сайлайди.

3-модда. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг ваколат муддати

1. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 107-моддасига мувофиқ Конституциявий суд 5 йил муддатга сайланади.

2. Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди доимий ишловчи орган ҳисобланади.

3. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг мажлислари заруратга қараб ўтказилади.

4-модда. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг мустақиллиги

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди ҳамда унинг судьялари ўз фаолиятларида мустақилдирлар ва фақат Ўзбекистон Республикаси Конституциясига бўйсунадилар.

2. Конституциявий суднинг судьялари қарор қабул қилар эканлар, амалий мақсадга мувофиқлик мулоҳазалари, сиёсий мойиллик ва бошқа ташқи таъсирлардан ҳоли бўлган, ўз ҳуқуқий нуқтаи назарларини ифодалайдилар.

3. Конституциявий суднинг фаолиятига аралашув ман этилади ва бу қонунга биноан жавобгарликка тортишга сабаб бўлади.

5-модда. Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди судьялари ҳуқуқларининг тенглиги

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судида масалаларни муҳокама қилишда ва қараб чиқилаётган масалалар бўйича овоз беришда Конституциявий суднинг раиси, Конституциявий суд раисининг ўринбосари, Конституциявий суднинг котиби ва Конституциявий суднинг аъзолари тенг ҳуқуқларга эгадирлар.

6-модда. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди хулосаларининг мажбурийлиги

1. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг хулосалари барча давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, шунингдек корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ҳамда жамоат бирлашмалари, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурийдир.

2. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 82-моддасига мувофиқ Конституциявий суд Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида қонунчилик ташаббуси билан чиқиш ҳуқуқига эга.

8-модда. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг Иш тартиби

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг мажлисларини тайёрлаш, Конституциявий суд мажлисларида масалаларни кўриб чиқиш тартиби, унинг мажлисларини ўтказиш йўсини, судьялар ўртасида ишларни тақсимлаш қоидалари, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди ходимларига қўйиладиган талаблар, иш юритишнинг ўзига хос хусусиятлари ва бошқа шунга ўхшаш масалалар Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 82-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Президенти эътиборига етказилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг ўзига маълум бўлган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг бузилганлиги ҳолларига барҳам бериш, шунингдек меъёрий ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатларнинг матнларини, ҳужжатлар ва уларнинг нусхаларини тақдим этиш тўғрисидаги, Конституциявий судда қараб чиқилаётган масалалар юзасидан тушунтириш, маслаҳат бериш ҳамда мутахассис фикрини баён этиш хусусидаги талабномалари бу талабномалар юборилган барча идоралар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурийдир.

7-модда. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қонунчилик ташаббуси

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 82-моддасига мувофиқ Конституциявий суд Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида қонунчилик ташаббуси билан чиқиш ҳуқуқига эга.

8-модда. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг Иш тартиби

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг мажлисларини тайёрлаш, Конституциявий суд мажлисларида масалаларни кўриб чиқиш тартиби, унинг мажлисларини ўтказиш йўсини, судьялар ўртасида ишларни тақсимлаш қоидалари, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди ходимларига қўйиладиган талаблар, иш юритишнинг ўзига хос хусусиятлари ва бошқа шунга ўхшаш масалалар

Республика Вазирлар маҳкамасида

(Давомн. Бошн 1-бетда).

Ўзбекистон Республикаси давлат кинокомпаниясига, Ўзбекистон Давлат телерадиоэшиттириш компаниясига келгуси йилнинг сентябригача Мирзо Улуғбекнинг ҳаёти ва фаолиятини тасвирловчи бадиий ҳамда ҳужжатли фильмлар яратиш топширилди.

Фанлар академиясига Ўзбекистон Республикаси давлат матбуот комитети билан биргаликда Мирзо Улуғбекнинг рисолаларини ўзбек ва хорижий муаллифларнинг аллома ҳаётига ҳамда меросига бағишланган асарларини тайёрлаб, 1993-1994 йилларда белгиланган тартибда нашр этиш тавсия қилинди. Республика Фанлар академиясига, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига Улуғбек ва унинг шогирдлари қаламига мансуб бўлган ва хорижий кутубхоналарда сақланаётган асарларнинг асл нусхаларини аниқлаш ва уларнинг микрофильмларини олиб келиш учун чет элларга бир гуруҳ мутахассисларни юбориш таклиф этилди. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига бу ишни амалга оширишда кўмаклашиш топширилди.

Ташкилот комитети вазирликлар, идоралар, юбилей тантаналари бўлиб ўтадиган шаҳарларнинг ҳокимликлари билан биргаликда юбилейга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ бўлган харажатлар рўйхатини тайёрлаши ва тасдиқлаши учун тақдим этиши лозим. Республика Давлат истиқболни белгилаш ва статистика комитети билан Молия вазирлигига тасдиқланган сметага мувофиқ ана шу ҳаражатларни бюджетда кўзда тутиш топширилди.

Юбилей тадбирларини тайёрлаш ва ўтказиш учун ташкилот комитетига бўйсунадиган дирекция ташкил қилинди.

МИРЗО УЛУҒБЕКНИНГ 600 ЙИЛЛИГИ ШАРАФИГА ЮБИЛЕЙ ТАДБИРЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ ВА ЎТКАЗИШ РЕСПУБЛИКА ТАШКИЛОТ КОМИТЕТИНИНГ ТАРКИБИ

Муталов А. — Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, ташкилот комитетининг раиси

Тўлаганов К. Н. — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, ташкилот комитети раисининг ўринбосари

Қорабоев М. Қ. — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, ташкилот комитети раисининг ўринбосари

Абдураҳмонов П. М. — Самарқанд вилоятининг ҳокими, ташкилот комитети раисининг ўринбосари

Фозилбеков А. И. — Тошкент шаҳри ҳокими, ташкилот комитети раисининг ўринбосари

Йўлдошев Т. С. — Фанлар академияси астрономия институтининг директори, ташкилот комитетининг масъул котиби

Сандқосимов С. С. — Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчиси

Рисқиев Т. Т. — Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчиси

Мурод Муҳаммад Дўст — Ўзбекистон Республикаси Президентининг матбуот котиби

Абдуллаев Ж. А. — Олий ва ўрта махсус таълим вазири

Аҳмедов А. А. — Фанлар академияси Шарқшунослик институтининг бўлим мудири

Ашрафий Ф. М. — Ўзбекистон Архитекторлар уюшмасининг раиси

Боқибоев Э. Ж. — молия вазири

Жамол Камол — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг биринчи котиби

Раҳимов К. — алоқа вазири

Салоҳиддинов М. С. — Фанлар академиясининг президенти

Салимов О. У. — Улуғбек жамғармасининг раиси

Сафоев С. С. — ташқи ишлар вазири

Ҳазратқулов М. — Миллий ахборот агентлигининг бош директори

Ҳайитбоев Э. Қ. — маданият ишлари вазири

Ҳидиров Т. П. — Қашқадарё вилоятининг ҳокими

Шодиметов Ю. Ш. — Вазирлар маҳкамасининг бўлим мудири

Шоғулóмов Р. — Давлат матбуот комитетининг раиси

Юсуфбеков Н. Р. — Давлат фан ва техника комитетининг раиси

Ёдгоров Д. С. — Бухоро вилоятининг ҳокими

Яҳёев Ш. Ғ. — Давлат телерадиоэшиттириш компаниясининг раиси

БУЮК МУНАЖЖИМГА БАҒИШЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси жаҳон фани ва маданияти хазинасига улкан ҳисса қўшган аллома Муҳаммад Тарағай Улуғбек таваллудининг 600 йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ҳақида қарор қабул қилди. 22 апрель куни ушбу маъракага ҳозирлик кўрувчи ишчи гуруҳнинг мажлиси бўлди. Унда тегишли вазирликлар ва ташкилотлар, Давлат телевидение ва радиоэшиттириш, кино компаниялари, Давлат матбуот комитети, Фанлар академияси, Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Ғиждувон ҳокимликлари 1993-94 йилларда амалга ошириладиган тадбирларни ишлаб чиқишлари лозимлиги таъкидланди. Юбилей тантаналарини уюшқоқлик билан ўтказиш мақсадида маъмурият тузиладиган бўлди.

(ЎзА).

• *Бугуннинг гапи*

ЯНА ҚОҒОЗ МУАММОСИ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан кейин иқтисодиётни, айниқса, саноатни изга солишда бирмунча қийинчиликларни бошидан кечирмоқда. Бу ҳол республикамизда босма қоғозининг камёб бўлиб бораётганида ҳам сезилиб турибди. Бунга асосан собиқ Иттифоқ давридаги алоқаларнинг бозор муносабатлари талабларига дош бера олмай, узилиб қолганлиги сабаб бўлаётир. Шундай экан, бу муаммони ҳал этишнинг битта йўли бор: у ҳам бўлса — Ўзбекистонда ана шу қимматбаҳо хом ашё ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш керак. Мухбиримиз Ўзбекистон Матбуот давлат қўмитасининг раиси Р. Ш. ШОҒУЛОМОВ билан шу хусусда суҳбатлашди.

— Мустақиллик шароитида халқимизнинг ўз миллий маънавий қадриятларини талқин этувчи асарларга, оммавий ахборот воситаларига «чанқоқлиги» ошиши табиий ҳол, — деди Рустам Шомуродович. — Биз бундан фақат хурсанд бўлишимиз керак. Ҳар йили мактаб ўқувчилари, ўрта маҳсус ва олий ўқув юртлари талабалари учун кўпгина дарслик ва қўлланмаларни қайтадан нашр этаяпмиз. Бунинг учун ҳукуматимиз зарур маблағларни ажратаяпти. Бундан ташқари, йилига 1500 номда китоб, 400 номда газета ва журнал чоп этилмоқда. Бунга эса 100 минг тоннадан ортиқ қоғоз сарфланади. У ва бошқа матбаа ашёлари асосан Россия Федерацияси корхоналаридан олиб келинади. Уларнинг тобора қимматлашуви, йўл харажатлари, солиқлар, пул ўтказиш муаммолари ва бошқа қийинчиликлар қоғознинг қадрини ҳақиқатан жуда ошириб юбормоқда. Лекин қанчалик мушкул бўлмасин, мустақиллик нафасини ҳис этаётган халқимизга босма маҳсулотлари етказиб беришимиз шарт.

Ҳозирча Россия Федерациясидаги эски мижозларимиз билан иложи борича савдо-сотиқ қилиб турибмиз. Бошқа бозорларда матбаа ашёларни фақат валютага сотиб олиш мумкин. Нарх эса анча қиммат.

— Бу қийинчиликлар яна қанча вақт давом этиши мумкин? Наҳотки, ташқи бозорга қарамликдан ўзга йўл бўлмаса?

— Бор. Шунча табиий бойликка, кўп тармоқли ривожланган қишлоқ хўжалигига, етарли ишчи кучига, бутун бир қимё саноати тармоғига эга бўлган республикамиз қоғоз, бошқа матбаа ашёлари ишлаб чиқаришга қодир. Ва бу тармоқни вужудга келтириш учун анчагина ички имкониятларимиз ҳам мавжуд.

— Бу ҳақда турли даврларда анчадан буён гапирилаяпти. Лекин кўпчиликни масаланинг амалий томони қизиқтиради. Сиз шу соҳанинг мутасаддиси сифатида ўз фикрингизни аниқроқ қилиб баён эта оласизми?

— Суҳбатимиз давлат аҳамиятига молик масала — саноатнинг катта бир тармоғини барпо этиш билан боғлиқ муаммо устида бораркан, шуни айтиш керакки, ўнлаб минг тонна босма қоғоз ва бошқа матбаа ашёларини ишлаб чиқаришни шунчаки ҳавасмандлик ёки ҳавойи гаплар билан ҳал этиб бўлмайди. Бунинг учун пухта ҳисоб-китоб ишлари амалга оширилиши, чуқур таҳлил қилинган амалий таклифлар бўлиши керак.

Республика раҳбариятининг топшириғига мувофиқ Ўзбекистон Матбуот давлат қўмитаси шу соҳанинг мутасадди ташкилотлари, мутахассислар билан биргаликда ушбу масалани пухта ўрганиб, таклиф ишлаб чиқди. Унда биз, бир сўз билан айтганда, ўша ташқи бозорга қарамликдан қутулиш йўлини изладик, ўзимизда бисёр бўлган пахта линти, ғўзапоя, шоли похоли, шоли пўстлоғи каби кам фойдаланиладиган чиқиндилардан целлюлоза тайёрлаш ва пировардида турли хил босма қоғози ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш дастурини туздик. Кимё саноатимиз корхоналарида турли хил босма бўёқлари, елимлар, муқовалаш материаллари ишлаб чиқиш имкониятларини ҳам чамалаб кўрдик. Фақат улардан оқилона фойдалана билиш зарур.

— Бу юмушларга анчагина ҳаражат сарфланса керак?

— Ҳа. Чунки давлат томонидан салмоқли маблағ ажратилмасдан туриб, бу катта ишни ўринлатиб бўлмайди. Бундан ташқари, ўз ички имкониятларимиздан фойдаланишимиз ҳамда чет эллик тадбиркорларни жалб этишимиз талаб этилади. Бундай хайрли ишга ўз маблағи билан иштирок этиш истагида юрганлар йўқ эмас.

Жамики, сарф-ҳаражатларнинг миқдори қанчалик кўп бўлмасин, улар тезда қопланиб кетиши аниқ. Шу билан бирга, юртимиз матбаа ашёлари манбаи ҳам бўлиб қолади.

Расул Ғуломович ҒУЛОМОВ

Шахсий пенсионер, Ўзбекистон Республикаси фахрийлари ташкилотлари уюшмаси кенгашининг собиқ раиси Расул Ғуломович Ғуломов узоқ давом этган оғир касалликдан кейин 1993 йил 20 апрель куни 82 ёшида вафот этди.

Расул Ғуломов 1911 йилда Тошкент шаҳрида туғилди.

Меҳнат фаолиятини 1930 йилда педагогика техникумини битиргач, Марғилон шаҳридаги фабрика-завод таълими мактабининг ўқув ишлари мудирлигидан бошлади. Бир неча йил комсомол ва совет ишида бўлди.

1943 йилдан 1948 йилгача партия ишида, сўнгра республика Вазирлар кенгаши раисининг ўринбосари лавозимида ишлади.

1951 йилда у меҳнаткашлар депутатлари Тошкент шаҳар совети ижроқўмининг раиси этиб сайланди. 1956 йилдан Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи котиби, республика Вазирлар кенгаши раисининг биринчи ўринбосари, Тошкент вилоят партия комитетининг биринчи котиби бўлди. 1961—1964 йилларда республика ўқитувчилар малакасини ошириш институтига бошчилик қилди, сўнгра йигирма йилдан кўпроқ вақт республика давлат кинематография комитети раисининг биринчи ўринбосари бўлиб ишлади. 1985 йилдан пенсионер.

1987 йил мартида республика уруш ва меҳнат фахрийлари кенгашининг раиси этиб сайланди, шу лавозимда 1993 йилнинг февралигача ишлади.

Расул Ғуломов обрў-эътибор қозонди. Фахрийлар кенгашининг ишини уруш ва меҳнат фахрийлари ижтимоий-маиший шароитини яхшилаш масалаларини ҳал этишга, уларни ижтимоий фойдали фаолиятга ва ёшлар тарбиясига жалб этишга моҳирона йўналтириб турди.

Учта меҳнат Қизил Байроқ ордени, иккита «Ҳурмат белгиси» ордени, медаль, Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланган.

Расул Ғуломовнинг порлоқ хотираси қалбимизда абадий сақланади.

И. А. КАРИМОВ, Ш. М. ЙЎЛДОШЕВ, А. МУТАЛОВ, И. Ҳ. ЖУРАБЕКОВ, М. Қ. ҚОРАБОЕВ, Р. У. АҲМЕДОВ, А. И. ФОЗИЛБЕКОВ, Б. Р. РАҲИМОВ, М. Қ. ҚАЮМОВ, Н. А. МУҲИДДИНОВ.

• *Ўзбекистон халқ ёзувчиси* *ШУҲРАТ—75 ёшда*

ШОИР ЁҚҚАН ЧИРОҚ

БУНДАН БИР ҚАНЧА ЙИЛ АВВАЛ шифобахш масканларимизнинг бирида саломатлик юмушлари билан шуғулланишга тўғри келди. Саратонинг жазирама ва фароҳсиз кунлари эди. Бунинг устига, шифогоҳларимиздаги аҳвол, ўзингизга маълум, кўнгилдагидек бўлмаган. Аммо ўша йилги ҳордиқ ва даво ойи бир умрга эсда қолган.

Тақдирни қарангки, ўша кунларда кўркам шоирларимиздан бири Шуҳрат ҳам шу ерда даволанаётган экан. Мен ўша пайтгача у киши билан кўп бор кўришганман, асарларини титиб-титкилаб ўқиганман. Менинг китобхон сифатида олган лаззатларимнинг бир қисми Шуҳрат ака ижоди туфайли фавворалланган. Лекин мен Шуҳрат акани инсон ва шоир сифатида ўша қарийб бир ойлик доимий мулоқот даврида қайта кашф этганман.

Шуҳрат аканинг Чортоқда шифо топаётганидан даракланган таниш ва нотаниш китобхонлар, маҳаллий ва намангонлик шоирлар ҳар куни неча марталаб келишар, келишганда ҳам, ўзбекчилик, қуруқ келишмас эди. Шуҳрат ака эса бизларни меҳмон қилибгина чекланмай, қўлимизга қўшақўша пакет ҳам тутқазар эди. Бундай пакетлар бошқа хоналар бўйлаб ҳам тарқалиб турарди. Энг муҳими, ўша шифоланиш фаслида, Шуҳрат ака хонасида, оқшомлари, шеърхонлик соатлари ўтказилар эди. Шоир аввалги ёзган шеърларини эмас, балки шу ерда, узун тунлар бўйи ёзиб чиққан шеърларини ўқирди. Баъзан тунги кинолашиш пайтларидан кейин Шуҳрат ака қўнган иморат ёнидан ўтганимизда унинг иш столи устидаги чироқнинг ҳормай-толмай ёниб турганини кўрардик.

Мен ўша кунлари танигани Шуҳрат ғоят очиқ чеҳрали, саҳий, хуш муомалали, меҳмонсевар инсон ва ўта меҳнаткаш, ҳар бир дақиқасини ижодга, шеъриятга бағишлаган, фақат ижод нашъаси ва машаққатлари билан яшовчи шоир эди. Менинг бундан кейинги шоир билан учрашувларим ўша таассуротнинг ёлғон эмаслигини исботлаб келмоқда.

Шунидай қилиб, ёш инженер юрагидан эшитилган шеър товуши унинг тақдирини ўзгартириб юборди. Транспорт институтида ҳам адабиётдан дарс берган ва адабиёт тўғарагини олиб борган Юнус Латиф ундаги бу товушнинг кучайиши ва бутун вужудини қуршаб олишига кўмаклашди. 1934 йили «Ленин учқуни» газетасида эса унинг — Шуҳратнинг биринчи шеъри эълон қилинди.

Ён, чироғим, тонгга қадар ён!

Бу сатрлар, эҳтимол, унинг қалбида ўша йиллари табда ўқий бошлаган кезларда ҳам унинг хаёлида шоир бўлиш хоҳиши йўқ эди. Физика ва математика дарсларига ихлос қўйган ва бу фанлар бўйича нодир қобилиятини намойиш эта бошлаган Ғулом, муаллимлари истагини қондириб, бошқа синфларга ҳам кириб, масалалар ечарди. Хулласи калом, агар у таҳсил кўрган транспорт билим юртида таниқли шоир ва адабиётшунос Юнус Латиф адабиёт тўғарагини олиб бормагани ва Ғулом бу тўгаракка қатнашиб, Шеърият деган мўъжиза билан танишмаганида, у, эҳтимол, бугун бепоён халқ хўжалигининг бирор муҳим соҳасида хизмат қилаётган бўларми?!

«Бундоқ юрагимга қулоқ солсам, — деб эслаган эди шоир Ўрта Осиё транспорт инженерлари тайёрлаш институтининг биринчи курсида таҳсил кўрган йилларини, — ундан шеър товуши келаётганга ўхшарди, ҳар нарсада бир шеърий жилва кўринарди. Шеърга бўлган ҳавас шунақа кучайиб кетдики, ўсмирлигимга ярашган транспортчилар формаси ва бир йилда бир марта бепул бериладиган поезд билети ҳам кўзимга кўринмай қолди».

Шундай қилиб, ёш инженер юрагидан эшитилган шеър товуши унинг тақдирини ўзгартириб юборди. Унинг енгил нафаси, равонлиги, жўшқинлиги, эҳтимол, унга нафақат яқин, балки жозибали бўлиб кўрингандир.

Лекин Ватан уруши жангоҳларида бўлган, бу жангоҳларда кечган қиёматни ўз кўзи билан кўрган, ундан баданида мошдек қўрғошин билан қайтган Шуҳрат ортиқ фақат шеърият билан нафас ола олмаслигини сезди, Ҳатто «Шинелли йиллар дафтари» деган шеърий туркуми ҳам унинг юрагидан ўрин олган алам ва изтиробларни, қонли ва туғилгандир. Эҳтимол, у ўша йиллардан бошлаб, рус ёзувчиси Юрий Олешадек, ўзига ҳар куни ёзиш лозим, деган сўзларни шиор қилиб олгандир. Ҳар ҳолда у шу йиллари ўз қаламини чархлаб-тарашлашга кўп куч сарфлади. 1935 йилда Ёзувчилар уюшмаси қошида ташкил этилган олти ойлик адабий курсни яхши тугатгани учун Инжиқободдаги ёзувчиларнинг Ижод боғига 15 кунлик йўлланма билан тақдирланди. Шу 15 кун давомида Абдулла Қодирий ва Чўлпон, Ғафур Ғулом ва Абдулла Қаҳҳор, Усмон Носир ва Амин Умарий сингари шоир ва ёзувчилар билан бирга нафас олди. Улардан ижодга садоқатни, тун бўйи ишлаш ва ёзиш маданиятини ўрганди.

Шуҳрат урушга қадар ва урушдан кейин ҳам кўплаб шеърлар ёзди. Унинг ғўзалликни хуш кўрувчи, майин табиатида Амин Умарийга хос фазилатлар оз эмас эди. Эҳтимол, ўша пайтда ёш шоирларнинг фикри-зикрини забт этган Усмон Носир шеъриятига меҳр қўйганида нафақат унинг шеърлари, балки уни қуршаган дўстларини ҳам кузатиб юрганида, ҳаётга Амин Умарий кўзлари билан ҳам қарай бошлагандир. Унинг енгил нафаси, равонлиги, жўшқинлиги, эҳтимол, унга нафақат яқин, балки жозибали бўлиб кўрингандир.

Лекин Ватан уруши жангоҳларида бўлган, бу жангоҳларда кечган қиёматни ўз кўзи билан кўрган, ундан баданида мошдек қўрғошин билан қайтган Шуҳрат ортиқ фақат шеърият билан нафас ола олмаслигини сезди, Ҳатто «Шинелли йиллар дафтари» деган шеърий туркуми ҳам унинг юрагидан ўрин олган алам ва изтиробларни, қонли ва даҳшатли хотираларни, мардлик ва жасорат намуналарини бўшата олмади. Шундан кейин у «Шинелли йиллар» романини ёзди. Бу йирик насрий асарига қадар у ҳатто бирор қиқоя ҳам ёзмаган эди. Аммо тун бўйи ёнган ўша чироқ шуъласида у тинимсиз ишлаб, ижод қилиб, юрагида аллақачон йиғилиб, туғён уриб ётган ўлик ва тирик фронтчи дўстларининг жанговар ҳаёти саҳифаларини қоғозга туширди. Ва бу китобхонлар оммаси томонидан самимий кутиб олинган асар Шуҳрат истеъдодининг яна бир ёрқин киррасини нурлантириб юборди.

Чўлпон ва Фитрат сингари ёзувчилар бошига тушган кўргиликлар Ўзбекистондек мустамлака ўлканинг ва шу ўлка фарзандларининг пешонасига ёзилган экан, 50-йилларнинг бошларида Шуҳрат ҳам, баъзи қаламкаш биродарлари сингари, шўро ҳуқуматининг қаҳрига учради. Агар бу ҳуқуматнинг қонхўр подшоси эллик учинчи йил баҳорида дунёдан кўз юммаганида, унинг ҳам суяклари қаерлардадир қолиб кетган бўларди. Лекин уни болалигидаёқ Азроил назаридан яширишга уринган отанинг руҳи ҳам мадад берган чоғи, у омон қайтди. Сўнг ўз бошидан кечган ана шу мудҳиш воқеаларни қайта идрок этиб, «Олтин занглмас» романини яратди.

Ушбу роман Шуҳрат бошидан кечган мудҳиш воқеаларнинг йилномаси эмас. Шоир ўз олдига бундай вазифани қўймаган. Аксинча, унинг диққати марказида ҳеч нарсага қарамай, ўзининг инсоний баркамоллиги ва ғурурини, софдиллиги ва ғўзаллигини сақлаб қолган Қаҳрамонни тасвирлаш туради. Бу мавзу эса шоир Шуҳратга яқин, унинг бутун шеърий ижодининг бисмиллоси эди. Шунинг учун ҳам у илҳом билан, ёниб, ўзининг бояги ижод чироғини тунлар бўйи ёқиб ишлади.

Шоирнинг ҳозирча сўнгги романи — «Жаннат қидирганлар» асари шу маънода автобиографик қимматга эга эмас. Лекин унда ҳам муаллифнинг инсоний покликка даъват этувчи ғоялари жаранглаб туради.

Шуҳрат, ўз табиатига кўра, лирик шоир. У ҳатто шеърият майдонини «минбар шеърлар» забт этган, соф лирик замзамалар эса қатағон этилган даврларда ҳам ўз ижодий ақидаларидан чекинмади. Шунинг учун ҳам унинг айниқса «Кавказ дафтари» туркуми сохта туйғулар тасвири авж олган 50-йиллар шеъриятида воқеа бўлди. Унинг бу ва бошқа туркумларига кирган шеърлари ранг-баранг мавзуларга бағишланган бўлса-да, улар негизида пок инсоний туйғуларни улуғлаш нияти ётади.

АРДОҚЛИ ШОИРИМИЗ шу, кунларда 75 ёшга тўлди. У бундан бир неча йил илгари ёзган жажжи бир шеърида бундай деган эди:

Шоирнинг ёшини сўрама,
эй Гул,
Яхшиси, сен унинг
ижодига боқ.
Ижоди гуркираб ёнсаки,
билгил,
У ҳали йигитдир, юраги
қайноқ!
У ҳали кексалик боғидан
йироқ,
Гар ёши олтмишу сочлари
оппоқ!

Бу сатрлар ёзилган вақтдан бери ўн беш йил ўтибди. Шу вақт орасида шоир кексалик боғига ҳам қадам қўйди, бу боғнинг аччиқ меваларини ҳам тотиб кўрди. Лекин у бутун умрини бағишлагани энг яхши асарлари аллақачон китобхонлар қалбига кириб, улар дилини бамисоли бир чироқ бўлиб ёритиб турибди. Демак, унинг умри зое ўтмади. Шунинг ўзи ижодкорнинг улкан бахтидир.

Наим КАРИМОВ.

ЭЪЛОН

ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИНИНГ РЕСПУБЛИКА ЎРТА-МАХСУС САНЪАТ МАКТАБ-ИНТЕРНАТИ

1993-1994 ЎҚУВ ЙИЛИГА МУСИҚА ВА ТАСВИРИЙ САНЪАТГА ТУҒМА ҚОБИЛИЯТЛИ, ЖИСМОНИЙ СОҒЛОМ БЎЛГАН ЎҚУВЧИЛАРНИ

ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ўзбек миллий чолғу асбобларига, 12 ёшга тулган ўқувчилар қабул қилинади.

Аризалар 1993 йил 3 майдан 29 майгача қабул қилинади.
Қабул имтиҳонлари 1 июндан бошланади.
Ўзингиз билан керакли ҳужжатларни олиб келишингиз керак, шунингдек рухшунос даволовчидан боланинг соғлиги ҳақида маълумотнома

Манзилгох:
700152, Тошкент шаҳри, А.Икромов райони, 22 квартал, 1а уй
Автобуслар: 2, 13, 33, 41, 50, 75, 77, 78, 87.
Троллейбуслар: 12, 13
Москва остонаси бекати
Телефонлар: 74-92-21, 74-96-45.

Ўзбекистон Республикаси кинокомпанияси ва Ўзбекистон кинематографчилари уюшмаси жамоалари кино ишлаб чиқаришнинг кекса ташкилотчиси, Ўзбекистон кинематографчилари уюшмаси аъзоси

Расул ҒУЛОМОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

ТошДУ ректорати, татбиқий математика ва механика ҳамда математика факультетлари жамоаси дифференциал тенгламалар ва математик физика кафедрасининг катта ўқитувчиси, физика-математика фанлари номзоди

Атамат ТОЛИПОВнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳар фахрийлар ташкилотлари иттифоқи кенгаши ҳамда уруш фахрийлари қўмитаси жамоалари жумҳурият фахрийлар ташкилотлари иттифоқи Кенгашининг собиқ раиси

Расул ҒУЛОМОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг қариндош-уруғлари ва барча яқинларига чуқур таъзия изҳор этадилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат назорати қўмитаси жамоаси ва иқтисодий ислоҳотни амалга оширишга доир қарорлар бажарилишини назорат қилувчи республика жамоат комиссияси қўмитанинг масъул ходими М. М. Ҳакимовга отаси

Маматбек ҲАКИМОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этадилар.

ХАЛҚ СЎЗИ • НАРОДНОЕ СЛОВО

● ТЕЛЕФОНЛАР: маълумот учун 33-07-48; эълонлар бўлими 32-09-25. Индекс: 64608.

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси.

Бош муҳаррир: Анвар ЖУРАБОЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Абдунаби БОЙҚУЗИЕВ, Эсирган БОЛИЕВ (масъул котиб, «Халқ сўзи»), Эркин ВОҲИДОВ, Миракмал МИРАЛИМОВ, Салоҳиддин МУҲИДДИНОВ, Лев ПАК (бош муҳаррир ўринбосари, «Народное слово»), Людмила ПОРФИРЬЕВА, Қулаҳмад РИЗАЕВ, Александр ТЮРИКОВ (масъул котиб, «Народное слово»), Шавкат ЯҲЁЕВ, Пиримқул ҚОДИРОВ, Муҳамаджон ҚОРАБОЕВ, Сандаҳрор ҒУЛОМОВ.

● МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП Тошкент шаҳри, Ленинград кўчаси, 19-уй.

Таҳририятга ҳажми 7 қоғоздан ошган материаллар қабул қилинмайди. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

Рўйхатдан ўтиш тартиб № 0001. Буюртма Г—184. 105466 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Босишга топшириш вақти 21.00. Босишга топширилди — 22.30.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Маҳкамасининг Ишлар бошқармаси ҳузуридаги «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6